

Ҳамида ТУЙЧИЕВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
кафедра мудури,
юримдик фанлар номзоди, доцент
h.tuychieva@iiia.uz:

ОИЛАДА АЁЛЛАР ҲУҚУҚИНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ

ЗАЩИТА ПРАВ ЖЕНЩИН В СЕМЬЕ

PROTECTING THE RIGHTS OF WOMEN IN THE FAMILY

Аннотация: Мақола Ўзбекистон Республикасида оила, аёл, бола ҳуқуқларининг мазмунини, асосий қоидаларини, аёл ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимояланиши, аёл ҳуқуқларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг амалга оширилиши, оилада эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлиги, аёлнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари, гендер тенглик, оилада хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишига оид масалалар баён этилиб, унинг ҳуқуқий жиҳатлари асослаб берилган.

Калим сўзлар: оила, ҳуқуқ, давлат органлари, қонун, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунийлик, аёл ҳуқуқлари, оила ва бола, ҳуқуқий ҳимоя, давлат муҳофазаси, тенг ҳуқуқлилик, гендер тенглик, тазйиқ, зўравонлик

Аннотация: В статье раскрываются содержание и сущность прав женщин в семье, основные понятия и принципы государственной защиты прав женщин, нормативные правовые акты о правах женщин и их реализации, равенство мужа и жены в семье, личные и имущественные права женщин, гендерное равенство, защиты женщин от притеснения и насилия, обоснованы ее правовые аспекты.

Ключевые слова: семья, право, государственные органы, закон, нормативные правовые акты, законность, права женщин, семья и ребенок, правовая защита, государственная защита, равенство, гендерное равенство, угнетение, насилие.

Annotation: Article The content of the rights of the family, women and children in the Republic of

Uzbekistan, basic rules, state protection of women's rights, normative legal acts on women's rights and their implementation, equality of husband and wife in the family, women's personal and property rights, gender equality, wife in the family - Issues of protection of girls from oppression and violence are described, and its legal aspects are substantiated.

Key words: family, law, government agencies, normative legal acts, legality, women's rights, family and child, legal protection, state protection, equality, gender equality, oppression, violence.

КИРИШ

Бугунги кунда ўзбек аёли ишлаб чиқариш, илм-фан, тадбиркорлик, санъат, спорт, ҳунармандчилик, кўйингки, барча соҳаларда муваффақиятларга эришаётганига барчамиз гувоҳимиз.

Аёл нафис, нозиккина кўринса-да, ундаги кучли ирода, қатъият, матонат айрим эркакларга намуна бўла олади. Жамиятимизда шундай аёллар борки, улар жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишади, оила деб аталмиш кўрғонни уддабуронлик билан юритишади, миллий анъана ва умуминсоний қадриятларни ривожлантиришда ўзларининг бебаҳо ҳиссаларини қўшишади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Таъкидлаш жоизки, аёлларга чуқур эҳтиром билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқида “Соғлом зурриёд, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишдаги ўрнингиз ва хизматингизни ҳеч нарса билан қиёслаб, баҳолаб бўлмайди. Сизларнинг меҳр-муҳаббатингиз, вафо ва садоқатингиз, фидойилигингиз сабабли ҳаётимиз чароғон. Сизлар туфайли оилаларимизда тинчлик-осойишталик, қут-барака ҳукм сураётгани учун барчангизга ҳар қанча тасанно айтсак, арзийди, албатта»[4], — деб таъкидлаган эди.

Агар инсоният тарихига назар ташласак, аёллар минг йиллар давомида фақат фарзанд кўриб, уларни парваришлаб-тарбиялаш, оила хўжалигини юритиш билан чекланганлиги маълум. Улар эркакларга нисбатан камситилган.

Бугунги кунда аёлларни мана шундай карашлардан озод қилувчи, оиладаги оналик, рафиқалик масъулиятдан воз кечмаган ҳолда жамиятда эркаклар билан тенг эркин касб танлаш, меҳнат қилиш, меҳнатига яраша ҳақ олиш, дам олиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш, таълим олиш, ҳимояланиш, сўз эркинлиги, фикрлаш, мурожаат қилиш, ахборот излаш, топиш, тарқатиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларга эга бўлиш имкониятини яратилди.

Аёлларнинг бундай ҳуқуқларга эга бўлиши БМТда ишлаб чиқилган “Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларацияси” (1948) ҳамда “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция (1979) асосида кафолатланади. Бу ҳужжатлар хотин-қизларга нисбатан ҳар қандай чеклашларни тугатиб, уларнинг оилавий ҳолатидан қатъи назар, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида: сиёсат, иқтисод, маданият ва фуқароликда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлашга чақиради. У давлатларни хотин-қизларнинг камситилишларига қарши миллий қонунчилик чораларини ҳамда оила ва жамиятда эркаклар ва аёллар ўртасида тенгликни тезлик билан ўрнатишга, уларнинг ҳуқуқлари камситилишини сақлаб қолишга имкон берувчи ижтимоий ва маданий моделларини ўзгартириш чораларини кўришни тавсия этади [2].

Шунингдек, оилавий ҳаётда эркак ва аёллар учун бир хил ҳуқуқ ва бурчларни ўрнатиш лозимлиги кўрсатилган. “Балоғатга етган эркак ва аёллар ирқи, миллати ёки динидан қатъи назар бирон-бир чеклашсиз никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқига эгадирлар. Улар никоҳдан ўтаётганда ҳам, никоҳда бўлган вақтида ҳам ва никоҳ бекор қилинганда ҳам бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар»[3].

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабаларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказишда аёлларнинг роли беқиёсдир.

Бугунги кунда азизу мукаррам аёлларимизнинг барча соҳа ва тармоқлардаги

ўрни ва таъсири янада ортиб бормоқда. Бунинг тасдиғини республикамызда меҳнат билан банд аҳолининг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этаётганида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бошқарув тизимида аёлларнинг улуши 33 фоизга етди. Юртимиз бўйича бир ярим мингга яқин хотин-қизлар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хусусан, ташкилотчи ва ташаббускор опа-сингилларимиз 6 та туманда ҳоким вазифасида, юзлаб ҳудудларимизда ўринбосар ва маслаҳатчи лавозимларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Йирик корхоналар, банклар ва компаниялар, тадбиркорлик субъектларини бошқармоқда.

Ана шундай катта салоҳиятни янада ошириш, давлат ва жамият бошқарувида уларнинг иштирокини кучайтириш мақсадида 6 мингдан зиёд фаол хотин-қизлардан иборат кадрлар захираси шакллантирилди [5].

Сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Бу борадаги давлат сиёсатини самарали амалга ошириш мақсадида энг қуйи бўғин – маҳалла ва хонадонгача кириб борадиган вертикал тизим яратилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

2021 йил 26 февраль куни бўлиб ўтган видеоселекторда Президент раислигида хотин-қизлар муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинди. Маълумки, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги раҳбарияти бошчилигида республика ишчи гуруҳи тузилиб, барча ҳудудларда аёлларни қийнаётган муаммолар бўйича манзилли иш олиб бориш учун мутлақо янги тизим – “аёллар дафтари”ни жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаб ўтганидек, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида 126 мингга яқин аёлларга имтиёзли кредитлар берилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қарийб 215 минг оилага 6 триллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди. Қарийб 55 минг нафар хотин-қизлар тадбиркорлик ва касб-хунар марказлари томонидан ўқитилди,

хунармандчилик ва касаначиликка жалб этилди. “Беш муҳим ташаббус” доирасида чекка ҳудудларда тикувчилик цехлари ташкил этилиб, 10 минг нафар аёллар бандлиги таъминланди. Уй-жой сотиб олиш учун 1 минг 250 нафар аёлларга қарийб 22 миллиард сўмлик бошланғич бадаллар тўлаб берилди.

Бошпанаси бўлмаган аёлларни ижара асосида “ижтимоий уй-жойлар” билан таъминлаш учун яна 211 миллиард сўм йўналтирилади. Бундан ташқари, боқувчисини йўқотган ҳамда ўзгалар парваришига эҳтиёжманд бўлган хотин-қизларга моддий ёрдам бериш ва малакали тиббий ёрдамга муҳтож аёлларни даволаш учун кўшимча равишда 110 миллиард сўм берилади.

Қизларимиз тарбияси, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, замонавий билим ва хунарларни эгаллаши, иш жойига эга бўлиши, жамиятда муносиб ўрнини топишига алоҳида аҳамият беришимиз зарур [5].

“Аёллар дафтари” бўйича “маҳаллабай”, “хонадонбай” ишлаш усули орқали ҳар бир маҳалла ва хонадон кесимида уларнинг муаммоларини ижобий ҳал этилиши амалга оширилмоқда.

Шунинг билан бирга хотин-қизларнинг шахсий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳуқуқлари ва уларнинг ҳимояланиши Ўзбекистоннинг қонунчилик тизимида белгилаб берилган. Хусусан, Асосий Қонунимиз бўлган Конституциясининг 46-моддасида [1] хотин-қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлилиги, Оила деб номланган 14 бобда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, эркин ва тенг ҳуқуқли никоҳ тузиш, фарзандларни вояга етказиш ва тарбиялаш учун ота-оналарнинг масъуллиги меъёрлари белгиланган.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан аёлларнинг оилада тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларни тазйиқ ва зўравонликларнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилган.

Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари мавжуд ва улар қуйидагилардан иборат: қонунийлик; демократизм; хотин-қизлар ва эркаларнинг

тенг ҳуқуқлилиги; жинс бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги; очиқлик ва шаффофлик. [6]

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси тўғрисидаги Низомга кўра тузилган комиссия оилани мустаҳкамлаш, оналик, оталик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида кўмаклашишга ёрдам беради.

Шунингдек, комиссия қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- оилани мустаҳкамлашга, оналик, оталик ва болаликни муҳофаза қилишга, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишга, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий ҳаётда аёлларнинг иштирокини янада фаоллаштиришга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;

- аёллар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини, оилавий ажримлар ҳолатини таҳлил қилиш ва уларнинг олдини олиш ишларида иштирок этиш, бу соҳада таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятчиликнинг, айниқса, уларнинг қонунга зид равишда чет элга чиқиб кетишининг олдини олишга доир самарали механизмларни жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

- аёлларни иш билан таъминлашга доир чораларнинг самарадорлигини баҳолашга, хотин-қизларнинг касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратишга, уларнинг бандлигини таъминлашга, ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантиришга, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этишга кўмаклашиш;

- аёллар соғлигини мустаҳкамлаш ва оиланинг тиббий маданияти даражасини оширишда кўмаклашиш;

- жойларда, хусусан, маҳаллаларда, оилаларда, хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда иштирок этиш;

– жойларда депутатлар томонидан ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари ва ўрганишлар давомида оила ва хотин-қизлар масалаларига оид қонун ҳужжатларида аниқланган бўшлиқ, камчилик ва муаммоларни таҳлил қилиб бориш, шу асосда тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларига оила ва хотин-қизларга оид масалалар бўйича аниқланган қонун бузилишларини ҳамда уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар киритиш;

– оила ва хотин-қизлар масалаларига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда бу соҳадаги Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг бажарилишини таъминлашга қўмаклашиш;

– оила ва хотин-қизлар масалаларига оид қонун ҳужжатларининг ижроси бўйича самарали ва таъсирчан парламент ва депутат назоратини амалга ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

– оиланинг жамиятдаги ўрнини янада ошириш ва мустаҳкамлашга, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига доир, шунингдек оила ва хотин-қизлар масалаларига оид қонун ҳужжатларини кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган ташвиқот ва тарғибот тадбирларини («давра суҳбати», учрашув, семинар, конференция ва бошқалар) ташкил қилиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирок этиш.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида ҳам аёлларнинг бир қатор ҳуқуқлари кафолатланган. Масалан, кодекснинг эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган бобида уларнинг никоҳи давомида орттирган мулки, шунингдек, никоҳга қадар умумий маблағи ҳисобига олинган мулки, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги мулки ҳисобланиши белгиланган. Кўриниб турибдики, аёл никоҳ давомида даромад топиш мақсадида бирор жойда ишламасдан фарзанд тарбияси билан шуғулланганда ҳам оилада орттирилган мулкка тенг ҳуқуқли ҳисобланади.

Жумладан, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлари, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, улар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

Эр ва хотиндан бири уй-рўзгор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади.

Хотин-қизлар меҳнатидан тўғри фойдаланиш, уларни ишга қабул қилиш вақтида чеклашларга йўл қўймаслик, ҳомиладор, ёш болали аёлларга берилган имтиёз ва ҳуқуқлар эса Меҳнат кодексида ўз аксини топган. Хусусан, ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланади, ер остидаги баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари) бундан мустаснодир.

Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортиқ юкни кўтаришлари ва ташишлари ман этилади.

Аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланганидан меҳнат шароити ноқулай ишларнинг рўйхати ҳамда улар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда тасдиқлайди.

Икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда, боласи икки ёшга тўлгунга қадар аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказилади. Ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни тунги ишларга жалб қилишга бундай иш она ва боланинг соғлиғи учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб

аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хулосага мувофиқ уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси (119-модда) белгиланганга мажбурдир.

Ногирон боласини тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади.

Ҳомиладор аёлларга ва бола туккан аёлларга йиллик таътиллار, уларнинг хоҳишига кўра, тегишлича ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан олдин ёки ундан кейин ёхуд болани парваришлаш таътилидан кейин берилади.

Ўзбекистонда аёлларни эрга тегишга мажбурлаш ёки уларни бошқа ғаразли мақсадларда фойдаланиш учун сотиш, оилада уларни ҳўрлаш ва бошқа ҳуқуқларини поймол қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат учун Жиноят кодексида жавобгарлик белгиланган.

Масалан, аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғрилаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш жиноят бўлиб, бунинг учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Аёлни ҳомиладорлиги ёки шахсни ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш жинояти учун базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Маълумки, 2019 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Ушбу қонунга кўра тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган аёл ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир

этилганлиги ёки уларни содир этиш таҳдиди тўғрисидаги ариза билан тегишли ваколатли органларга ҳамда ташкилотларга ёхуд судга мурожаат этиш; махсус марказларда, шунингдек бепул телефон линияси орқали текин ҳуқуқий маслаҳат, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа ёрдам олиш; ички ишлар органларига ҳимоя ордери бериш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилиш, ҳимоя ордери шартлари бузилган тақдирда эса, уларни бу ҳақда хабардор қилиш; содир этилган тазйиқ ва зўравонлик натижасида ўзига етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланиши ҳамда маънавий зиён компенсация қилиниши тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат этиш ҳуқуқларига [қонун] эга.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчи етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда маънавий зиёни компенсация қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этганда давлат божи тўлашдан озод қилинади.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчини ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмлари, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганга кўрсатиладиган ёрдам турлари ва хизматлар тўғрисидаги ахборот билан таништиради.

Зарур бўлган тақдирда ваколатли органлар ва ташкилотлар содир этилган тазйиқ ва зўравонлик факти муносабати билан ариза беришда амалий ёрдам кўрсатади.

Жазони ижро этиш муассасалари тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганга унга нисбатан зўравонлик содир этган шахс жазони ижро этиш жойидан озод этилганлиги, озодликдан маҳрум қилиш жойидан ташқарига қисқа муддатга чиқарилганлиги ёки қочиб кетганлиги ҳақида зудлик билан хабар беради.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга доир якка тартибда ишлар амалга оширилади ва улар таркибига профилактика суҳбатини ўтказиш, ҳимоя ордерини бериш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказларга жойлаштириш, зўравонлик ҳулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастурларидан ўтиш шакллари киради.

Муайян шахсни жамиятда қабул қилинган ҳулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтириш, ғайриижтимоий ҳулқ-атворнинг ижтимоий ҳамда ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш, шунингдек қонунда белгиланган жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириш мақсадида профилактика суҳбати ўтказилади. Ҳимоя ордери тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига берилади. Тазйиқ ўтказган ва (ёки) зўравонлик содир этган ёхуд уларни содир этишга мойил бўлган шахсга ҳимоя ордерининг нусхаси берилади.

Ҳимоя ордерини бериш учун тазйиқ ва зўравонлик қурбонининг мурожаати; жисмоний ёки юридик шахсларнинг хабарлари, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва (ёки) ижтимоий тармоқлар орқали тарқалган хабарлар; тазйиқ ёки зўравонлик содир этиш ёхуд уларни содир этишга уриниш ҳолатларининг ваколатли органлар ва ташкилотлар ходимлари томонидан бевосита аниқланиши; давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан олинган материаллар асос бўлади.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ва ташкилотлар жабрланган хотин-қизлар бўйича маълумотга эга бўлгач махсус шаклдаги хабарномани дарҳол ички ишлар органларига тақдим этади.

Хабарнома қонун ҳужжатларига мувофиқ ички ишлар органлари навбатчилик қисмидаги дафтарда қайд этилади. Тазйиқ ва зўравонлик тўғрисида хабар берган шахслар ва тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрикланади. Ички ишлар органларининг навбатчилик қисмида белгиланган тартибда қайд этилган мурожаатлар ва хабарлар дарҳол профилактика инспекторига тақдим этилади. Профилактика инспектори ички ишлар органлари навбатчилик қисмлари томонидан тақдим этилган мурожаатлар ва хабарларни 24 соат мобайнида ўрганиб чиқади ҳамда ўрганиш давомида жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахслар ҳамда бошқа шахслар билан ҳолат юзасидан суҳбат ўтқазади; жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахснинг турмуш

тарзи, тазйик ва зўравонлик содир этилишининг келиб чиқиши сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганади; жабрланувчи ва зўравонлик содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоратадбирларини амалга оширади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган жабрланувчиларнинг ҳимоя ордерини бериш тўғрисидаги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили иштирокида кўриб чиқилади.

Шахс ҳимоя ордерини олишни ва уни имзолашни рад этганда, профилактика инспектори ҳолислар иштирокида далолатнома тузади ҳамда уни ушбу хатти-ҳаракатни давом эттирган тақдирда қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши тўғрисида расмий огоҳлантиради ва бу ҳақда жабрланувчини хабардор қилади.

Ҳимоя ордерининг биринчи қисми (асли) тўлдирилгандан сўнг жабрланувчиларга берилади; иккинчи қисми (нусхаси) зўравонлик содир этган шахсларга берилади; учинчи қисми профилактика инспекторида қолади. Ҳимоя ордери ўттиз кун муддатгача берилади ва ушбу ордер расмийлаштирилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйик ва зўравонликдан жабрланувчилар, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органи уларнинг номидан ҳимоя ордерини бериш ҳамда уни узайтириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйик ва зўравонликдан жабрланувчилар ҳимоя ордерини олиш тўғрисидаги ариза билан шахсан мурожаат қилишга ҳақли.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйик ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг ҳимоя ордерини бериш ҳамда уни узайтириш тўғрисидаги аризаси уларнинг қонуний вакили ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакили ҳозирлигида кўриб чиқилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган, тазйик ва зўравонликдан жабрланувчиларга нисбатан ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб

топилган шахсларга нисбатан ҳимоя ордери уларнинг қонуний вакилига ёки васийлик ва ҳомийлик органига берилади.

Ҳимоя ордери берилганлиги ва узайтирилганлиги тўғрисидаги ахборот васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига 24 соат ичида юборилади.

Тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи ваколатли органлар ҳамда ташкилотлар тазйик ва зўравонликдан жабрланувчиларга иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, руҳий, тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказлар (бундан буён матнда махсус марказлар деб юритилади) ташкил этиши мумкин.

Зўравонлик факти мавжуд бўлган тақдирда тазйик ва зўравонликдан жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг бошпана бериш тўғрисидаги талаби бўйича тегишли ваколатли органлар ва ташкилотлар тазйик ва зўравонликдан жабрланувчиларнинг махсус марказларга жойлаштирилишини таъминлайди.

Тазйик ва зўравонликдан жабрланувчини махсус марказга жойлаштириш унинг хоҳишига кўра ўттиз кунгача бўлган муддатга амалга оширилади. Зарурат бўлган тақдирда бу муддат махсус марказнинг уставида белгиланган тартибда узайтирилади. Махсус марказга жойлаштириш муддати тугагач, агар тазйик ва зўравонликдан жабрланувчига нисбатан хавф мавжуд бўлса, махсус марказ маъмурияти бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши шарт.

Тазйик ва зўравонликдан жабрланувчи махсус марказга жойлаштирилган тақдирда, унинг иш жойи сақлаб қолинади.

Тазйик ва зўравонликдан жабрланувчининг махсус марказда бўлиш вақти уни таълим муассасасидан машғулотларни ўтказиб юборганлиги муносабати билан чиқариш учун асос бўлмайди.

Тазйик ва зўравонликдан жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар тазйик ўтказганликда ва зўравонлик содир этганликда айбдор деб топилган шахсдан ундирилиши мумкин.

Зўравонлик такроран содир этилишининг олдини олиш ҳамда зўравонликдан жабрланганнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахснинг зўравонликка мойил хулқ-атворини ўзгартиришда унга руҳий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Зўравонлик содир этган ёки уни содир этишга мойил бўлган шахс зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтади.

ХУЛОСА

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биз юртимиздаги ҳар бир аёл тимсолида, аввало буюк зот – Она сиймосини кўрамыз. Шу боис “Аввало онангизга ва яна бир бор онангизга яхшилик қилинг”, деган муборак ҳадисга амал қилиб, мўътабар оналаримиз, қадрли опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишни инсоний бурчимиз, деб биламиз. Ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, Сизларнинг олдингиздаги бу қарзимиз ҳаққини, минг ҳазина билан ҳам адо этиб бўлмайди.

Биз яхши тушунамиз – хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган жамиятда албатта тинчлик, адолат, эркинлик ва фаровонлик бўлади. Аёл бахтли бўлса, оила ва жамият ҳам албатта бахтли бўлади.

Барчамиз – Президентдан бошлаб энг қуйи бўғиндаги раҳбар ва мутасаддилар, ана шу муҳим мезонга амал қилиб ишлашимиз зарур. Шундагина халқимиз ҳам, Яратган ҳам биздан рози бўлади”.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2020.
2. Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция. Т.: БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. 1998. 1–3 бетлар.
3. Международный билль о правах человека. 26-статья. ООН, Нью-Йорк: 1995. - С. - 39.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар байрамига

бағишланган учрашувдаги нутқи. 2017 йил 6 март.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2021 йил 6 март.
6. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги Қонун 2019 йил 2 сентябрь.
7. <http://senat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати портали
8. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали
9. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
10. <https://president.uz/uz/lists/view/4212>
11. https://president.uz/uz/lists/category/5?menu_id=12